

**ЖИНОЯТЧИЛИК ҲОЛАТИ ВА УНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ  
СОҲАСИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ЖОРИЙ ЭТИЛИШИНING ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Қодиров Диёрбек Дилишодбек ўғли*

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим 3-курс  
курсанти*

***Аннотация:** мазкур мақолада жиноятчилик ҳолати ва унинг профилактикаси соҳаси бўйича ички ишлар органлари тизимида ахборот технологияларини кенг жорий этиши, шу билан бирга бу тизмининг ишлаш самарадорлигини янада оширишдан иборат.*

***Abstract:** this article aims to introduce information technologies to the system of internal affairs bodies in the field of crime and its prevention, and at the same time to further increase the efficiency of this system.*

***Аннотация:** данная статья направлена на внедрение информационных технологий в систему органов внутренних дел в сфере борьбы с преступностью и ее предотвращением, а также на дальнейшее повышение эффективности этой системы.*

***Калит сўзлар:** “Е-инспектор” электрон комплекс тизими, персонал видеорегистратор (бодикамера), электрон ҳужжат, “102” тизими, Ситуацион марказ, “Е-маъмурий иш” ягона электрон ҳужжат алмашинуви тизими.*

**Key words:** "E-inspector" electronic complex system, personal video recorder (body camera), electronic document, "102" system, Situation center, "E-administrative work" unified electronic document exchange system.

**Ключевые слова:** электронный комплексный комплекс «Е-инспектор», персональный видеорегистратор (нательная камера), электронный документ, система «102», Ситуационный центр, единая система электронного документооборота «Е-административная работа».

Ўтган қисқа давр ичида ички ишлар органларитизими ва унинг фаолиятини тубдан яхшилаш, янгилаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлилига таяниб, шунингдек, ички ишлар органлари фаолиятига янги тартиблар ва механизмларнинг жорий этилганлигини инобатга олган ҳолда айтиш мумкин, тизимдаги ислохотларнинг биринчи босқичи якунланди. Ушбу босқич якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, соҳада дастлабки самаралар кузатилаётганлигини қайд этиш жоиз. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш соҳасида салмоқли натижаларга эришилди. Шу билан бирга, ички ишлар органлари фаолияти билан болиқ аҳолини безовта қилаётган кўпгина муаммо ва камчиликлар ҳам ўз ечимини кутиб турибди. Бу ўринда қўлга киритилган дастлабки ютуқлар билан кифояланиб қолмасдан, ҳали тизимни ислоҳ қилиш бўйича амалга ошириладиган ишлар ниҳоятда кўп эканлигини эътиборга олган ҳолда олиб борилаётган ислохотларни жадаллаштиришимиз, уларнинг самарадорлигини янада оширишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон фармони қабул қилиниб, ушбу фармонга мувофиқ ички ишлар органларининг таянч пунктулари негизида маҳалла ҳуқуқ-

тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилиб, унга кўра 7 устувор йўналиш асосий мезон этиб белгиланди. Унга кўра:

- инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

- мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

- миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

- адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

- маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

- миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

- мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш каби устувор йўналишлар белгилаб берилди. Ушбу фармонда: «Барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши тартиби жорий этилиб, маҳалладаги ишларнинг ҳолати вазирлик, идора ва ПФ 27-сонли 29.11.2021-йил Жамоат хавфсизлиги концепциясига асосан Ички ишлар органларига замонавий ахборот технологияларини олиб кириш ва бир қанча ислоҳотларни амалга ошириш кўзда тутилди. Хусусан, унда: 5 та илова ва айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида вазифалар белгилаб ўтилди. 2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси номли 2- иловасига

мувофиқ 6 та боб да 104 та бандида такомиллаштиришга қаратилган вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар сони 22 та этиб белгиланди. Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш фаолиятини самарали ташкил этишда ахборот ҳамда ахборот технологияларининг ўрни алоҳида. Хусусан, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар, жумладан жиноятлар ҳақидаги тўлиқ ва аниқ маълумотлар жиноятларнинг олдини олиш борасида ўтказилаётган чора-тадбирлар муваффақиятининг гаровидир. Ички ишлар органлари тизимига ахборот технологияларни жорий этиш концепсиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда ички ишлар органлари фаолиятини рақамлаштириш соҳа ва йўналишларини, шунингдек ахборот технологияларни тўлиқ жорий этиш босқичларини белгилаш. Маҳкумларни “электрон назорати”ни таъминловчи ахборот технологияларини жорий этган ҳолда, жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш йўналишлари:

Хусусан:

- ходимларнинг персонал видеорегистратор (бодикамера) билан хизматни ўташ тартибини татбиқ этиш;
- маҳкумларнинг жазони ўташ тартибини бузиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида кузатиш ва мустақил назорат қилиш имкониятига эга интеллектуал камералар (“Смарт”) тизимини муассасаларга ўрнатиш;
- тақиқланган буюмларни олиб кириш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш мақсадида муассасаларнинг назорат ўтиш жойларида бодисканерларни ўрнатиш;
- жазони ўташ жараёнида маҳкумнинг хулқ-атвори ва шахси ҳақидаги “ахборот портрети”ни тузиш ва озодликка чиқишидан 2 ой олдин яшаш

жойи бўйича ҳудудий ички ишлар органларига хабар бериш имкониятини берувчи ягона электрон тизимни яратиш.

Локал тармоқлар ва ягона ҳимояланган корпоратив тармоқни ривожлантириш орқали ички ишлар органларини рақамлаштириш жараёнларини тезлаштириш учун телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш йўналишлари:

Бунда:

- ички ишлар органларида электрон ҳужжат алмашинуви ва ҳимояланган электрон почта ягона тизимини татбиқ этиш, дастурий таъминот яратиш;

- маълумотларни қайта ишлаш ягона марказини яратиш ва унга идоравий маълумотларни қайта ишлаш марказларини интеграция қилиш;

- идоравий рақамли инфратузилманинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, электрон ҳужжатлар ва маълумотларни ҳимоя қилиш.

Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда ашёвий далиллар бўйича автоматлаштирилган криминалистик ахборот-қидирув тизимини яратиш орқали эксперт-криминалистик фаолиятни босқичма-босқич рақамлаштириш, шунингдек криминалистик идентификация тизими фаолиятини мувофиқлаштириш йўналишлари:

Хусусан:

- Геном бўйича ягона автоматлаштирилган давлат рўйхатига олиш тизимини зарурий воситалар билан жиҳозлаш;

- фуқаровий ва хизмат ўқотар қуролларининг излари бўйича Давлат ўқ-гилзотекаси тизимини модернизация қилиш орқали унинг фаолиятини автоматлаштириш;

- “Криминалист” криминалистик фаолиятни ҳисобга олишнинг ахборот-маълумот тизимини модернизация қилиш ҳамда уни “102” тизими доирасида Ички ишлар вазирлиги жиноятларни ҳисобга олиш ягона тизимига интеграция қилиш;

- Эксперт-криминалистик бош марказининг биометрик идентификация қилиш маълумотлар базаларига ҳудудий эксперт-криминалистик бўлинмаларнинг уланишини таъминлаш.

Пробация назоратидаги шахсларни масофадан туриб назорат қилишни таъминловчи замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини татбиқ этган ҳолда Пробация хизмати фаолиятини рақамлаштириш йўналишлари:

Хусусан:

- пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини реал вақт режимида кузатиш учун электрон браслетдан фойдаланиш амалиётини жорий этиш;

- электрон браслетларни ҳамда маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун сервер ва ушбу тизимга алоқадор қурилмаларни харид қилиш;

- мониторинг қилишнинг замонавий мобил технологияларини татбиқ этиш, махсус дастурий таъминотни ишлаб чиқиш;

- пробация назоратидаги шахсларни умумий назорат қилиш учун Ички ишлар вазирлиги пробация хизматида ягона электрон мониторингни (мониторинг марказини) ташкил этиш.

- Ахборот технологияларини татбиқ этиш орқали Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан давлат хизматларини тақдим этишнинг янги тартибини жорий этиш. Хусусан:

- давлат хизматларини тақдим этишни мақбуллаштириш ва енгиллаштириш бўйича янги механизмларни ишлаб чиқиш;

- амалдаги ахборот тизимларини ягона платформага ўзаро интеграция қилиш орқали Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ягона автоматлаштирилган ахборот-таҳлил тизимини жорий этиш;

- сақлаш функциясига эга бўлган маълумотларни қайта ишлаш ягона марказини яратиш.

Ахборот тизимларини модернизация қилиш, архив фаолиятини рақамлаштириш ва ахборот технологияларини татбиқ этган ҳолда Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш йўналишлари:

Хусусан:

- шахсий таркиб бўйича буйруқлар, пул таъминотининг шахсий карточкалари ва бошқа маълумотлардан иборат электрон архивни шакллантириш;

- давлат хизматларини тақдим этишни ривожлантириш мақсадида Марказни Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” тизими ва Давлат хизматлари агентлиги билан ўзаро интеграция қилиш.

- Замон талабларидан келиб чиқиб, Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар марказининг амалдаги ахборот тизимларини модернизация қилиш, маълумотлар базалари бўйича қидириш комплексини (рубрикатор) яратиш ва тегишли давлат органлари билан интеграция қилиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятига унинг самарадорлигини ошириш ва ортиқча хизмат юкласини қисқартиришга йўналтирилган замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш йўналишлари:

Хусусан:

- “Е-инспектор” электрон комплекс тизимини татбиқ этиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида иш юритувни мақбуллаштириш;

- профилактик ҳисобдаги шахслар билан ишлаш бўйича электрон ахборот тизимини ишлаб чиқиш;

- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича “Е-маъмурий иш” ягона электрон ҳужжат алмашинуви тизимини яратиш;

- маҳаллаларда жиноятларни муҳокама қилиш жараёнларини масофадан туриб назорат қилиш бўйича электрон модулни татбиқ этиш;

- “Е-ҳисобот” ахборот тизимини яратиш орқали профилактика хизматида ҳисоботларни унификация қилиш ва уни бошқа ташкилотларнинг ҳисобот юритиш ҳамда идоравий ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция қилиш.

Ахборот технологияларини жорий этиш орқали ички ишлар органларининг куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янгича амалиётини (ситуацион бошқарув тизими) босқичма-босқич татбиқ этиш йўналишлари:

Жумладан:

- кузатиб бориладиган объектлар, ҳодисалар ва жараёнларни комплекс мониторинг қилиш асосида бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш имконини берувчи вазирликнинг Ситуацион марказининг марказлашган бошқарувини амалга оширишда ягона ахборот маконида ишлайдиган ички ишлар органлари ситуацион марказларининг тўлақонли тақсимланган тизимини;

- жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги умумий манфаатларни инобатга олган ҳолда ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасидаги уйғунлашган



ахборот ҳамкорлигини таъминлаш имконини берувчи ягона махсус ахборотлар кичик тизимини ташкил этиш.

Юқорида келтирилган ислоҳотларни бутун Республиканинг худудий Ички ишлар органлари тизимига кенг жорий этиш олқали жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни аниқлаш, имкон бераётган шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда чора кўриш билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топади. Ушбу ислоҳотлар жараёнида иш сифати ҳам ўз самарасини кўратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2022. – 76 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги қонуни. // URL: <http://www.lex.uz>.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрельдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг

маъсулиятини кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005 сонли фармони. // URL: <http://www.lex.uz>.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар роганлари фаолиятини сифат жихатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6196-сонли фармони. // URL: <http://www.lex.uz>.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5050 сонли президент қарори. // URL: <http://www.lex.uz>.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелда қабул қилинган “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жихатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5076 сонли президент қарори. // URL: <http://www.lex.uz>.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрьдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27 сонли фармони. // URL: <http://www.lex.uz>.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони // URL: <http://www.lex.uz>.